

## Бир сурани икки ракатда қайта ўқиш жоиз

05:00 / 09.01.2017 5302

Жуҳайналик бир кишидан ривоят қилинади:

**«У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Бомдод намозида «Иза зулзилатил Арзу» сурасини икки ракатда ҳам ўқиганларини эшитган экан.**

**«Билмадим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унутдиларми ёки қасддан қилдиларми», дейди».**

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Жуҳайна арабларнинг машҳур қабиаларидан. Саҳобийнинг номи маълум бўлмаса ҳам ҳадиси қабул қилинаверади. Чунки саҳобаи киромлар ҳаммалари одилдирлар.

Ушбу ривоятдан бир сурани икки ракатда қайта-қайта зам қилса жоизлиги чиқади. Чунки ножоиз бўлса, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қилмас эдилар. У киши қилсалар ҳам, Аллоҳ таоло тўғрилар эди.